

СОЯ СЕЕКЦИЯСИДА ЯККА ТАНЛАШДАН ФОЙДАЛАНИШ

Термиз агротехнологиялар ва инновацион ривожланиш институти

Шаманов Абдуроззоқ Панжиевич асистент, Рузибоев Санжарбек Шухрат ўғли талаба, Тошматова Ўғилноз Собир қизи талаба

Соя ўсимлиги экин майдонлари бўйича дунёда буғдой, шоли ва маккажӯхоридан кейинги ўринни эгаллаб 128 млн гектарни ташкил қиласди ва унинг ер юзидағи майдони йилдан йилга кенгаймоқда. Сояниң янги сер ҳосил навларини яратиш учун дурагайлаш, амалий мутагенез, полиплоидия. ген мухнислиги каби усувлари билан бошланғич ашё яратилсада ва кейин албатта танлаш усули қўлланилади Танлаш селекциянинг асосий усувларидан бири. У генетик усувлар билан биргалиқда тегишли белги ва хусусиятларга эга бўлган навлар яратишга имкон беради. Амалий селекцияда танлашнинг икки усули – оммавий ва якка танлаш қўлланилади.

Якка танлаш селекцияда қўлланиладиган асосий танлаш усули ҳисобланади. Сабаби танлаб олинган ўсимликлар якка танлашда бир-бири билан аралаштирилмасдан, бир неча авлодлар ($F_1, F_2, F_3\dots$) давомида алоҳида-алоҳида генотип бўйича ўрганилади.

Якка танлашда ўсимликлар алоҳида-алоҳида ўрганилганлиги сабаби уларда белги хусусиятлар яхши бўлиб мустахкамланиб боради. Шу афзалликлари туфайли якка танлаш орқали нисбатан қисқа муддатда (7–8 йилда) янги навни яратиш мумкин бўлади.

Бир мартали якка танлашда Ўсимлик уруғлари алоҳида-алоҳида сақлаб кейинги йил селекцион кўчатзорга экиласди. Бу ерда ҳам танлаш якка-якка ўтказилиб, талабга жавоб берадиган ўсимликлар танлаб олинади ва уруғи алоҳида-алоҳида сақланиб иккинчи йили селекцион кўчатзорда экиласди. Талабга жавоб берадиган ўсимликлар учинчи йили назорат кўчатзорига ўтказилади. Назорат кўчатзордан кейин дастлабки нав синаш, сўнг рақобатли нав синашларда ўрганилиб кейин давлат нав синовига топширилади.

ISSN (E): 2181-4570 ResearchBib Impact Factor: 6,4 / 2023 SJIF 2024 = 5.073/Volume-2, Issue-7

Якка танлаш қуидаги афзаликларга эга: 1. Танлаб олинган ўсимлик лар бир-бiri билан бирлаштирилмасдан бир неча бўғинлар давомида алоҳида-алоҳида генотип бўйича ўрганилади.

2. Кераксиз белги ва хусусиятли ўсимликларга қилинадиган меҳнат ва маблағ ҳаражатларни тежашга имконият бўлади.

3. Якка танлашда олинган ўсимликлар бир неча йиллар алоҳида-алоҳида ўрганилганлиги сабабли улардаги қимматли белги ва хусусиятлар кўпайиб мустаҳкамланиб боради.

Якка танлаш билан иш олиб борилганда танлаб олинган ҳар бир ўсимликнинг бир неча авлод давомида алоҳида кўпайтирилади ва белги ҳамда хусусиятларни ўtkазиш қобилиятини баҳолаш имконияти яратилади. Якка танлашда популяция сунъий равишда оила ва тизмаларга ажратиб юборилади.

Ўзидан чангланувчи ўсимликларда бир марта якка танлаш ўtkазиш қуидагича олиб борилади: биринчи йил бошланғич популяциядан энг яхши ўсимликлар танлаб олинади. Лабораторияда ҳар бир ўсимлик қимматли хўжалик ва биологик белгилари бўйича баҳоланади ва талабга жавоб бермаганлари чиқитга чиқарилади. Қолдирилган ўсимликларнинг уруғи кейинги йили селекция кўчатзорига алоҳида экиласди. Бу ерда талабга жавоб бермайдиган оиласлар яроқсизга чиқарилади, яхшилари танлаш учун қолдирилади.

. Соя экинида якка танлаш даланинг ўзида мум пишиш пайтида ўтка зилади. Бунда танлаш ўtkазиш учун мўлжалланган ўсимликлардан энг яши ўсимликлар ажратиб олинади ва унга рақами ёзилган ёзилган ёрлик осиб кўйилади. Пишиш даврида белгиланган ўсимликлар илдизи билан олинади.

Қуидаги белгилар бўйича ўсимликлар танлаб олинади:

1. Махсулдорлик кўрсаткичлари юқори (хосил шохчалари кўп) ўсимликлар.

2. Пояси ётиб қолмайдиган, детерменант типдаги, сершоҳ ўсимликлар

3. Биринчи хосил шохи илдиз бўғзидан 16 см. дан баландда жойлашган ўсимликлар.

4. Касаллик ва зааркунандалар билан заарланмаган ўсимликлар.

5. Пишиш пайти дуккаклари чатнаб уруғи сочилмайдиган ёки енгил силкитганда дони тўкилиб кетмайдиган ўсимликлар

Шу белгиларга қараб танлаб олинган ўсимликлар лабораторияда таҳлил қилинади. Уларнинг дуккаклари янчилиб дони картон ликопчаларга солинади ва устига нав (ўсимлик) рақами ёзилиб ёрлиқ қоғози қўйиб чиқилади. Кейин дон таҳлили бўйича танлаш ўтказилади. Бунда донлар текис қилиб ёйиб чиқилади. Танлаб олиши лозим бўлган намуналар дон кўпроқ бўлган, дони тўлишган, сараланган, йирик ёки ўртacha йирик, дони ва дон юзаси ва бошқа талабларга жавоб берадиган бўлиши керак.

Якка танлаш ўтказишда лабораторияда қўйидагилар аниқланади.

1. Ўсимлик бўйича: а) ўсимлиқда дуккаги бор шохчалар сони; б) дуккаги йўқ шохлар сони; в) умумий шохчалар сони; г) ўсимлик поялари узунлигининг бир хиллиги. Бу белги яхши, ўртacha ва ёмон деб қўрсатилади. Масалан, дуккаги бир яруса жойлашган бўлса яхши; д) ўсимликларнинг бўйи (энг узун поя ўлчанади); е) ўсимликларнинг касаллик ва заараркунандалар билан зараланлиги (зааррлаангандан ўсимликлар аниқланади), о) детерменант типдалиги ўсимликлар (ўсиш нуқтаси ҳосил элеменлари билан тугайди), ва индетерменант типдаги ўсимликлар (ўсув нуқтаси, ўсув органлари барг, новда билан тугаса). п) Биринчи ҳосил шохининг илдиз бўғзидан баландда жой лашганлиги (чизғич билан ўлчанади)

2. Дон бўйича таҳлил: а) Дуккак узунлиги б) дуккакдаги донлар сони в) дуккакдаги бўш уялар сони, г) дуккакдаги уруғлар оғирлиги, д) дуккакда ги донларнинг ўртacha оғирлиги,

3.. Ўсимликлар бўйича дон таҳлили: а) Битта ўсимлиқдаги донлар сони б) ўсимлиқдаги дон вазни, в) 1000 та дон вазни, г) доннинг тўлиқлиги, д) дон (урӯғ) муртагининг шакли ва йирикиги, е) донининг тўқилувчанлиги

ISSN (E): 2181-4570 RESEARCHBIB IMPACT FACTOR: 6,4 / 2023 SJIF(2023)-3,778; 2024: 5.073 VOLUME-2, ISSUE-7

Сояда якка танлаш ўтказиша лаборатория шароитида ўсимликларни баҳолаш жадвали. 1

Танланган ўсимликлар таърифи бўйича маълумотлар

2жадвал)

Нав ёки намуна номи	Ўсим лик, т/и	Ўсим лик бўйи, см	Детерменант ёки индетер менант типда	Биринчи ҳосил шохи илдиз бўғзидан баландда жойлашганлиги, см.	Ўсимлиқда дуккаклар сони, дона	Дуккакда донлар сони, дона	1000 та дон ваз ни, г.	Бир ўсим лик даги дон оғирлиги, г.	Донининг тўкилувчан лиги,% , ёки балл	Хулоса
1	2	3	4	5	3	7	8	9	10	11
Генетик 1	1	55	детерменант	21	22	3	130		4 бал	

ISSN (E): 2181-4570 RESEARCHBIB IMPACT FACTOR: 6,4 / 2023 SJIF(2023)-3,778; 2024: 5.073 VOLUME-2, ISSUE-7

Нав ёки намуна номи	Үсім лик, т/и	Үсім лик бүйі, см	Детерменант ёки индетер менант типда	Бириңчи ҳосил шохи илдиз бүғзидан баландда жойлашғанлиги, см.	Үсімлиқда дуккаклар сони, дона	Дуккақда донлар сони, дона	1000 та дон ваз ни, г.	Бир үсім лик даги дон оғирлиги, г.	Донининг түкилувчан лиги, %, ёки балл	Хулоса
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11
Генетик 1	1	55	детерменант	21	22	3	130		4 бал	

ISSN (E): 2181-4570 ResearchBib Impact Factor: 6,4 / 2023 SJIF 2024 = 5.073/Volume-2, Issue-7

Хулоса Соя экинида яккак танлашда далада бевосита мум пишиш пайтида энг яхши ўсмлик илдизи билан ажратиб олинади. Ўсимлик таҳлили далада-лабораторияда ва дон таҳлили лабораторияда ўтказилади. Танланган ҳар битта ўсимлик нинг уруғи сўнги йил алоҳида алоҳида экилиб авлодлар фенотип ва генотип бўйича бағоланади. Энг яхшилари селекция жараёни даги навбатдаги босқичига ўтказилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Anarboyev I.. Sattarov M. – Soya serdaromad ekin. //J. O‘zbekiston qishloq xo‘jaligi. 2012. № 5. B. 11-12
2. Atabayeva X.N. – Soya. //O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi. Davlat ilmiy nashriyoti. 2004. 96 b
3. Atabayeva X.N.. Mamedov N.M. – Kuzgi bug‘doydan keyin ekilgan maxsar o‘simgining hosildorligi. //Tuproq unumidorligini oshirishning ilmiy va 393
3. Mavlonov B., Xamzaev A., Boboqulov Z. – Dukkakli don ekinlarining tuproq unumidorligini oshirishdagi ahamiyati. //O‘zbekiston qishloq xo‘jalik jurnali. 2018. № 8. B. 36
4. Халилов Н., Луков М., Исройлов А. Соянинг янги навлари агротехни каси Ўзбекистон қишлоқ хўжалик журнали № 6. Т.2017 й. 13 б
5. Ёрматова Д. «Соя» Мехнат. Т. 1989 . 121 б.